IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИНСОНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

Нодима Орипова
ҚарДУ Мактабгача таълим кафедраси мудири, п.ф.н., доц
Тиркашева Зулайхо Содиқ қизи
Халқаро инновацион университети “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси
Email: tirkashevazulayho@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий шарқона тарбия мезонларимиз, оилавий қадриятларга содиқлик каби устувор вазифалар келтирилган.Шунингдек, толерантлик – инсоний бағрикенглик тушунчаси, унинг назарий таҳлили, инсон одоби, унинг маънавий-руҳий олами ва ўзбекона тарбиявий жараёнда миллий ахлоқий мезонлари баён этилган.

Калит сўзлар

Оилавий тарбия, миллатлараро тотувлик, толерантлик, бағрикенглик, инсоф, адолат, сабр, меҳр, маданият, дўстлик, биродарлик, қадриятлар, ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, инсонпарварлик.

АННОТАЦИЯ

В данной статье закреплены такие задачи, как воспитание молодежи в духе национальных ценностей, наших стандартов национально-восточного образования, верности семейным ценностям.Также описывается понятие толерантности - человеческая толерантность, ее теоретический анализ, нравы человека, его духовный и духовный мир, национальные моральные нормы в узбекском образовательном процессе.

Ключевые слова

Семейное воспитание, национальное согласие, толерантность, толерантность, справедливость, справедливость, терпение, любовь, культура, дружба, братство, ценности, взаимная гармония, мир, человечность.

Инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар миллий тарбия туфайли, аждодлардан аста-секин тадрижий равишда авлодларга ўтади. У инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, ТВ, ОАВ ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, миллий тарбиямизга хос бўлган хусусиятлардан бири бу тинч-осойишта яшаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, бошқа одамларнинг ички кечинмалари ва кайфиятларига шерик ва ҳамдард бўлиш ҳам оилавий муносабатларда ўз аксини топади. Шу муносабат билан миллатлараро тотувлик ҳар қандай кўпмиллатли давлат учун ҳал қилувчи омил сифатида аҳамият касб этмоқда.

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

Одамларнинг дунёқараш, фикрлаш тарзига асосланувчи мураккаб ҳодиса бўлмиш миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат аҳолисининг бағрикенглик даражасига боғлиқдир. Миллий бағрикенглик (миллатлараро бағрикенглик) унинг устувор жиҳатларидан биридир. Бу эса миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик маданиятини умумбашарий қадриятга айлантириш масаласининг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди. 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон эълон қилинганлиги билан янада аҳамиятли ва Ўзбекистон ҳудудида кўпмиллатлиликнинг шаклланиши ва ўзбек халқи орасида бошқа халқ ва миллат вакилларининг тараққий этиши жараёнини кўрсатиб беради [1]. Айни вақтда онгдаги бағрикенглик, яъни толерантлик тамойиллари, Ўзбекистоннинг асрлар давомида таркиб топиб келаётган инсонпарварлик анъаналарига мос эканлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Халқ турмушининг ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий, ахлоқий эҳтиёжлари, демократик жамиятни ривожлантириш истиқболлари ана шу муносабатларга асос қилиб олинган.

Бугунги кунда “толерантлик” тушунчасини турли фанларнинг объекти сифатида тадқиқ этилаётганлиги мазкур атаманинг фанлар доирасидаги таърифларининг шаклланиш ҳолатини ҳам юзага келтирди. Жумладан, фалсафий тадқиқотларда мазкур тушунча дунёқараш сифатида турли цивилизациялар, маданиятлар ва конфессиялар (диний эътиқодлар)нинг яшашга бўлган ҳуқуқини тан олиш, балки уларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқаларининг умумий қоидалари мажмуи эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Социологик тадқиқотларда қайд этилишича эса, толерантликка фалсафий категория сифатида қаралиб, материянинг объектив амал қилиш шакли тарзида, яъни тушунча ҳолида онгда ўз ифодасини топишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Толерантлик – ўзга шахсга ёки нарсага, ёхуд бегона, ёинки фарқланувчи шахс, ҳодисага нисбатан ўз ҳис-туйғуларимизни қўлга ола билиш демакдир. Ўз-ўзини чеклаш ирода кучига эга бўлмоқлик демакдир. Толерантлик ўз-ўзини чеклаш орқали ифодаланган иродадир ва бу ўзгаларга хайрихоҳ – муросасозлик билан қараш имкониятини билдиради [2].

Психологик нуқтаи назардан толерантлик – инсоний бағрикенгликнинг бир кўриниши ёки ифодаси бўлиб, инсон учун ёқимсиз, нохуш бўлган бирор омилга нисбатан қатъий жавобнинг йўқлиги ёки унинг кучсизлигини билдиради. Ўша вазият ёки омил қанчалик шахсга ёқмаса-да, у бунга чидайди, босиқлик қилади, керак бўлса мослашади.

Ўзбек миллатининг этик-эстетик, ахлоқ ва одоб, маънавий ва маърифий, фалсафий қадриятлари тизимида толерантлик ғоялари энг қадимги даврлардан бошлаб ривожлантирилган ва ўзига хос тарзда шакллантирилган. Ўзбеклар миллий анъаналарида толерантлик тушунчаси анча кенг ва асосли тарзда тушунтирилган ва авлодлар тарбиясининг муҳим омилларидан бири саналган. Толерантлик тушунчасида инсон ахлоқига оид сабр-бардошли бўлиш, ҳурмат, эъзоз, иззат кўрсата олиш, раҳмдиллилик, меҳру-мурувват каби сифатлар анъанавий хусусиятга эга бўлган. Толерантликнинг тарихий илдизлари энг қадимги давр “Авесто”, “Ўрхун-Энасой битиклари”, “Сўғд ёзувлари” каби адабий ёдгорликларда шакллантирилган ва инсон одоби, унинг маънавий-руҳий ақидаларининг зарур талабига

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

айланган. “Каттани ҳурмат қилиш, кичикка иззат билан қараш” ўзбекларнинг миллий ахлоқий талабларидан ҳисобланган [3].

Ўзбеклар миллий қадриятлари тизимида толерантлик тушунчаси таркибига анъанавий тарзда куйидаги инсоний хислатлар ва тафаккур қирралари шакллантирилганлиги маълум бўлди: инсоф, адолат, ҳурмат, эъзоз, иззат, сабр, қаноат, меҳр, кенг феъллилик, билимдонлик, маданиятлар тарихини билиш, бошқа маданият ва дин вакилларига эъзозли ва ҳурматли муносабатда бўлиш, тақводорликнинг ҳар қандай кўринишларига чуқур ҳурмат, бағрикенгликни кундалик турмушга нисбатан қўллаш, бағрикенгликни оилавий тушунча даражасида амал қилишини таъминлаш, дўстлик, биродарлик, бир-бирига азизлик қадриятларини оилавий муносабатларга ўтказиш, ўзаро тенглик, ўзаро тенгликка ҳурмат, тенглик тушунчасини жуда кенг англаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, тинчликка чуқур ҳурмат ва эъзоз, уни энг улуғ қадриятлардан ҳисоблаш, жанжал ва низолардан қочиш, яхши ниятли ва амалли бўлмоқ, содиқлик, инсонпарварлик ва инсонни ардоқлаш, ватанпарварлик, илмга чанқоқлик, ҳурфикрлилик ва эрк, тафаккурга ишонч, меҳр-мурувват, яхшилик, она ва аёлга эҳтиром, диний бағрикенглик, ҳақгўйлик, ҳалимлик, камтаринлик, тавозуъли бўлмоқ, оғир-босиқлик, салмоқлилик, барқарорлик, пешқадамлилик, илғорлик, қилган амаллар ва ниятларда пок бўлмоқлик, эътиқодда қатъийлик в.б.

Бағрикенглик, толерантлик – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенгфеъллик каби маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи атама. Бағрикенглик – ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник мансублиги, хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик ҳисобланиб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-кўйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур атама турли дин, миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида ягона давлат таркибида баҳамжиҳат тинч-осойишта яшашини ифода этади. Бағрикенглик айрим шахслар ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Миллий бағрикенглик – миллатларо тотувликни англатади [4].

Ўзбек психолог олимлари томонидан этнопсихологик муаммоларга бағишланган кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, В.М. Каримова, З.Т. Нишанова, Ш.Р. Баратов, М.М.Маматов, Н.С. Сафаев, А.М. Жабборов, И.И. Махмудов, Б.М. Ботиров, Ф.С. Татибаева каби олимлар ва тадқиқотчилар этник қадрият генезиси, вазифалари ва тузилиши билан бевосита ёки билвосита боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганган. М.Г. Давлетшин ва Э.Ғ. Ғозиев мамлакатимизда этнопсихологиянинг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни, М.М.Маматов ва Н.С. Сафаевлар этник ва миллий ўзликни англаш муаммоларини, Б.М. Ботиров ўзбек миллий характери шаклланишига қадриятлар таъсирининг психологик хусусиятларини, Ф.С. Татибаева ижтимоийлашув жараёнида этник стереотипларнинг шахсга таъсирини, И.И. Маҳмудов хулқ-атворнинг этник стереотипларини, шунингдек социолог олим С.С. Отамуротов Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ижтимоий фаол ёшларда миллий ўзликни англаш масалаларини тадқиқ қилган бўлса, М.Салаева ўзбек оиласининг регионал ҳамда этнопсихологик тафовутларини, В.М. Каримова ёш йигит ва қизларнинг ўзбек оиласи хусусидаги ижтимоий тасаввурларини, О. Б. Мухамматбердиев Ўрта Осиё халқларининг замонавий тараққиёт босқичидаги ўзликни англаш масалаларини ўрганганлар.

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

Юқоридаги келтирилган ўзбек психологларининг изланишларида муаммога тааллуқли бўлган жиҳатлар таҳлил қилинган. Айниқса, тадқиқотлар доирасида қадриятлар, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ўзини ўзи англаш, маънавий тарбиянинг психологик жиҳатларига доир масалалар таҳлил қилинган. Ўзбекларнинг миллий қадриятлари таркибида энг қадимги даврлардан бошлаб ҳар доим толерантлик, хусусан маданий ва диний бағрикенглик тушунчалари мавжуд бўлса-да, миллий бағрикенглик масаласи ўзбек психологиясида жуда кам даражада тадқиқ қилинганлиги билан характерланади. Шундай қилиб, миллий бағрикенглик масаласи ижтимоий психология доирасида ўрганилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар қаторида муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон. //“Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 20 май.
2. Ботиров Б.М. Ўзбек миллий характери шаклланишига қадриятлар таъсирининг психологик хусусиятлари. Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация иши автореферати Т.: 2011.

3. Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж. в.б. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Т., 2006. – Б.288
4. Нишанова З.Т., Алимбаева Ш.Т., Умирзоқов Д.Х. Ўқувчиларнинг миллий хусусиятларини тадқиқ этишнинг илмий-услубий асослари. Тошкент. 2018.

WORDLY KNOWLEDGE